O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI

KUCH — ADOLATDA

# “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони лойиҳасининг мазмуни ID-46830

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри” юритилади.

## Реестрга киритилган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

- давлат хизматига қабул қилиниши ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;
- сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши;
- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиал органларнинг аъзолигига киритилиши;
- уларнинг тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик битимида иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиши;
- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши.

**2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилмоқда.**



**Декларация қилиш тизими доирасида:**

**а)** мол-мулкнинг келиб чиқиш манбасини тасдиқлаш шарти фақат **2022 йил 1 январдан** сўнг орттирилган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилади;

**б)** декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва нотўғри маълумот киритиш давлат хизматидан **бўшатиш ва жавобгарликка** тортишга асос бўлади;

**в)** давлат хизматчиларига х**орижда банк ҳисобрақамларини очиш,** накд пул маблағларини сақлаш ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш **тақиқланади.**



Манфаатлар тўқнашуви ҳисобланадиган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари белгиланиб, уларни амалга ошириш қатъиян тақиқланади. *(масалан, тижорат ташкилотларининг муассиси бўлиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, давлат органининг ишларида учинчи шахсларнинг манфаатларини ноқонуний илгари суриш ва бошқалар)*



- Коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда:
- а) коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаб, бундай жиноятлар учун жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;
- б) декларациялашда аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик ва манфаатлар тўқнашуви учун жиноий жавобгарликни белгилаш.

# Эътиборингиз учун раҳмат!

